


«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

КАТТАҚҮРҒОН ТУМАН ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИ

Харид комиссиясининг раиси



М.А.Асрарова

« » _____ 2022 йил



Самарқанд вилояти КАТТАҚҮРҒОН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИга карашли
Услуга аутсорсинг учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

Каттақўрғон тум-2022

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Энг яхши таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Энг яхши таклиф предмети
Мазкур энг яхши таклиф ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Энг яхши таклиф комиссиясининг вазибалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазибалари
Қатнашчига энг яхши таклифда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Энг яхши таклиф доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Энг яхши таклиф ҳужжатлари

Энг яхши таклиф ҳужжатининг таркиби
Энг яхши таклиф ҳужжатларига аниқлик киритиш
Энг яхши таклиф ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Энг яхши таклиф ҳужжатларини тайёрланиши

Энг яхши таклифда қатнашиш харажатлари
Энг яхши таклифда қўлланиладиган тил
Энг яхши таклиф таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Энг яхши таклиф таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Энг яхши таклиф таклифининг топширилиши ва очилиши

Энг яхши таклиф таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охириги муддати
Энг яхши таклиф таклифларининг очилиши

Д. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш ва голибларни аниқлаш тартиби

Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш ва голибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Энг яхши таклиф предмети

Энг яхши таклиф комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:
Энг яхши таклифни ўтказиш очиқ турда бўлиб, **КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**га карашли **Услуга аутсорсинга** хизматларни кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклиф ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 60 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 200 000 000 сўм.

Энг яхши таклифга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи **қўшимча қиймат солиги** билан.

Ишлар энг яхши таклиф ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 60 кун.

2. Мазкур энг яхши таклиф ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан **КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**га карашли **Услуга аутсорсинга** хизматларини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Энг яхши таклиф (кейинги ўринларда – Энг яхши таклиф) ўтказишдан мақсад – мазкур Энг яхши таклиф ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Энг яхши таклиф ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ;

Манзили: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туман, Кадан қўргони

Энг яхши таклифни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис Ш.Хамидов. ;

Тел.: 97 441 35 32

3. Энг яхши таклиф комиссиясининг вазифалари:

- энг яхши таклиф ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда энг яхши таклифни ўтказди;
- энг яхши таклиф талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- энг яхши таклиф бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг энг яхши таклиф ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- голиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Энг яхши таклифнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- энг яхши таклиф ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- энг яхши таклиф ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;
- энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқирилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда энг яхши таклиф комиссиясининг вазибалари:

- қатнашчиларнинг энг яхши таклифга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши энг яхши таклиф нарх таклифини аниқлайди, голибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, энг яхши таклиф талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига энг яхши таклифда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Энг яхши таклиф таклифларини тайёрлайди ва энг яхши таклиф комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Энг яхши таклиф комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Энг яхши таклиф қатнашчиларини малакали энг яхши таклифи Энг яхши таклиф комиссияси томонидан амалга оширилади.

Энг яхши таклиф қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган энг яхши таклиф талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган хар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва энг яхши таклиф эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали энг яхши таклифдан ўтган қатнашчи энг яхши таклиф комиссиясига (мухрланган) ва ички мухрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Энг яхши таклиф комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- энг яхши таклиф таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи энг яхши таклиф таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Энг яхши таклифда голиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Энг яхши таклиф голиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича энг яхши таклифда паст нарх таклиф ва ушбу фаолият сифатли бажарилиш учун барча қонун талабларига жавоб берадиган ва барқарор (кадрлар ресурси, молиявий, моддий техника базаси) булган таклиф қилган энг яхши таклиф қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – энг яхши таклиф голибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Энг яхши таклифга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқознинг ҳар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки хариддорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Энг яхши таклиф доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг энг яхши таклиф комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда энг яхши таклиф тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Энг яхши таклиф комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Энг яхши таклиф ҳужжатининг таркиби

7.1. Энг яхши таклиф қатнашчиси унга берилган энг яхши таклиф ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Энг яхши таклиф ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг энг яхши таклиф ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Энг яхши таклиф ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи энг яхши таклиф ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун энг яхши таклиф комиссиясига ёзма равишда муурожаат қилишлари мумкин.

8.2. Энг яхши таклиф комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Энг яхши таклиф таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда энг яхши таклифнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, энг яхши таклиф ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Энг яхши таклиф ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин энг яхши таклиф комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, энг яхши таклиф ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Энг яхши таклифда қатнашиш харажатлари

10.1. Энг яхши таклифда иштирок этиш ва энг яхши таклиф ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх энг яхши таклиф таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Энг яхши таклиф таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (энг яхши таклиф комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи энг яхши таклиф таклифлари исталган босқичда, энг яхши таклиф талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва энг яхши таклиф комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Энг яхши таклифда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Энг яхши таклиф таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Энг яхши таклиф таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Энг яхши таклиф комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва энг яхши таклиф номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, энг яхши таклиф таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Энг яхши таклиф комиссияси лозим бўлганда Энг яхши таклиф қатнашчиларидан тақдим этилган Энг яхши таклиф таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи энг яхши таклиф таклифини қатъий равишда мазкур энг яхши таклиф ҳужжатининг

II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Энг яхши таклиф таклифи шаклларидаги барча бўш графалар энг яхши таклиф ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини энг яхши таклиф таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган энг яхши таклиф таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Энг яхши таклиф таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Энг яхши таклифда иштирок этиш учун қатнашчи энг яхши таклиф ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Энг яхши таклиф иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, мухр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Энг яхши таклиф қатнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва мухрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Энг яхши таклиф комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ТАКЛИФНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Энг яхши таклиф таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Энг яхши таклиф қатнашчиси энг яхши таклиф таклифларини мазкур энг яхши таклиф ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда мухрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг энг яхши таклиф таклифи, энг яхши таклиф очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг энг яхши таклиф таклифлари dxarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан энг яхши таклиф комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар энг яхши таклиф қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Энг яхши таклиф қатнашчиси томонидан энг яхши таклиф ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур энг яхши таклиф ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Энг яхши таклиф таклифларининг очилиши

18.1. Энг яхши таклиф таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин энг яхши таклиф қатнашчилари энг яхши таклиф комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, энг яхши таклиф ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида энг яхши таклиф ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Энг яхши таклиф комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада энг яхши таклиф қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва энг яхши таклифга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Энг яхши таклиф таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва голибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш энг яхши таклиф комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;

- тижорат.

19.2.1. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш вақтида Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф қатнашчисидан унинг энг яхши таклиф таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг энг яхши таклиф таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган энг яхши таклиф таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Энг яхши таклиф қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Энг яхши таклиф таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва энг яхши таклифнинг ғолиби тўғрисидаги қарор энг яхши таклиф комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Энг яхши таклиф комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор энг яхши таклиф комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Энг яхши таклиф комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай энг яхши таклиф таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Энг яхши таклиф комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва энг яхши таклиф комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Энг яхши таклиф ташкилотчиси энг яхши таклиф ғолибига энг яхши таклиф якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Энг яхши таклиф ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда энг яхши таклиф комиссияси:

қатнашчига энг яхши таклиф таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан birlik нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг энг яхши таклиф таклифи энг яхши таклиф комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Энг яхши таклифда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга

ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Энг яхши таклиф қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича энг яхши таклиф таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча энг яхши таклиф таклифлари энг яхши таклиф ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча энг яхши таклиф таклифларида энг яхши таклиф ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Энг яхши таклифнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши энг яхши таклиф қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Энг яхши таклиф

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва энг яхши таклиф голиблари ўртасидаги шартнома энг яхши таклиф голиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xatid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Энг яхши таклиф голиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи энг яхши таклиф комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини энг яхши таклиф голиби деб эътироф этиши ёки такрорий энг яхши таклиф ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Голиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Голиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Энг яхши таклиф голиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Энг яхши таклиф таклиф шакллари

1-шакл

№ _____-лот

Энг яхши таклиф қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Энг яхши таклиф қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Энг яхши таклиф савдолари иштирокчисининг номи:

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик ақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): _____

Камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: _____

Энг яхши таклиф қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- омборхона жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**

Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**

Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**

Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]**

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ _____ -лот

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топшириқ талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Энг яхши таклиф ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**

Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**

Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]**

III БОБ. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: *Аутсорсинг фаолияти (беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш)*

Бажариладиган хизматларнинг **60 кун давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.**

1.2. **Буюртмачи: КАТТАҚўРҒ ОН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган энг яхши таклиф натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 60 кун давомида 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТдан ташқари МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот учун 4 нафардан кам булмаган ходим ажратиши шарт. Ажратиладиган ходимлар малакали ва ўз ишини яхши биладиган бўлиши шарт. Иш кунини навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан энг яхши таклиф, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган энг яхши таклиф таклифлари энг яхши таклиф савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, энг яхши таклиф комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Энг яхши таклиф валютаси

2.1. Энг яхши таклиф таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 60 кун давомида 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси 2022 йил вақтинчалик харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, ВМ нинг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган НИЗОМ талабларига мос бўлиши лозим.